

ТИБИЁТДА ҚЎЛЛАНИЛИШИГА ДОИР ЙЎРИҚНОМА
«ГЕРБИОН® СИРОП ПЕРВОЦВЕТА»

Препаратнинг савдо номи: «Гербион® сироп первоцвета»

Таъсир этувчи моддалар (ХПН): Наврўзгул ва тоғжамбил экстрактлари

Дори шакли: сироп

Таркиби:

фаол моддалар: наврўзгул илдизининг суюқ сувли экстракти ва тоғжамбил гиёҳининг суюқ сувли экстракти.

5 мл сироп (1 ўлчов қошиги): 3,08 г наврўзгул илдизининг суюқ сувли экстракт аралашмаси (*Primula veris* L. ёки/ва *Primula elatior* (L.) Hill, *radix*) ва тоғжамбил ўти (*Thymus vulgaris* L. ёки / ва *Thymus zygis* L., *herba*) сақлайди, бу 0,22 г – 0,51 г наврўзгул илдизи ва 0,62 г тоғжамбил ўтларига эквивалент;

Экстрагент: сув;

ёрдамчи моддалар: левоментол, сахароза ва метилпарагидроксибензоат.

Таърифи: Ўзига хос ҳидга ва таъмга эга бўлган жигарранг сироп. Келиб чиқиши табиий бўлган моддалар учун ўзига хос бўлган катта бўлмаган чўқманинг мавжуд бўлишига йўл қўйилади.

Фармакотерапевтик гуруҳи: Балғам кўчирувчи восита.

ATX коди: R05C

Фармакологик хусусиятлари

Препарат балғам кўчирувчи, шамоллашга қарши, микробларга қарши таъсирга эга; балғамнинг елимшаклигини пасайтириш ва уни яхшироқ кўчишига ёрдам беради.

Қўлланилиши

«Гербион® сироп первоцвета» ўзи билан гиёҳлардан олинган дори препаратини тақдим этади, балғам кўчишини енгиллаштириш учун қуидагиларда тавсия қилинади:

- қуюқ бронхиал секретнинг ажralиб чиқишини қийинлашиши билан кечувчи респиратор яллигланиш касалликларида (бронхит, бронхиолит, фарингит),
- йўтал билан кечувчи шамоллаш касалликлари ва грипп.

Қўллаш усули ва дозалари

Катталарга тавсия этилган доза кунига 3 - 4 марта 2 ўлчов қошиғида сиропни ташкил қиласди.

Болаларда ва ўсмирларда қўллаш

Катталарга ва 16 ёшдан ошган болалар тавсия этилган доза кунига 3 - 4 маҳал 2 ўлчов қошиғида сиропни ташкил қиласди.

10 - 16 ёшдаги болаларда сиропни 1-2 ўлчов қошиғдан кунига 3 маҳал қўллаш керак.

4 - 10 ёшдаги болаларда сиропни 1 ўлчов қошиғдан кунига 3 маҳал қўллаш керак.

4 ёшдан кичик болаларда қўллаш тавсия этилмаган.

Препаратни қабул қилгандан кейин дарҳол таом ёки ичимликларни истеъмол қилманг, чунки улар оғиши бўшлиғи ва томоқнинг шиллик қаватидан препаратни тез ювиб юбориши мумкин.

Сиропни қабул қилиш вақтида илиқ сувни етарлича миқдорда истеъмол қилиш тавсия этилади.

Агар даволаш даврида яхшиланиш бошланмаётган ёки симптомлар оғирлашаётган, ёки янги симптомлар пайдо бўлаётган бўлса, шифокор билан маслаҳатлашиш зарур бўлади.

Истеъмол қилишдан олдин чайқатилсан.

Ножўя таъсирлари

Барча дори препаралари каби, мазкур препарат ҳам ножўя самараларни чақириши мумкин, гарчи улар ҳаммада ҳам пайдо бўлмайди.

Тавсия этилган дозаларда препаратни қўллашда ножўя самаралар кузатилмайди.

Номаълум (эришимли маълумотлар асосида учрашлик тез-тезлигини аниқланиш имкони йўқ)

- *Иммун тизими томонидан бузилишилар*

аллергик реакциялар, юқори сезувчанлик реакциялари (анча оғир ҳолатларда қичишиш билан кузатиб борилувчи юзнинг, тилнинг ва оғиз бўшлиғи ва томоқнинг шиллиқ қаватини шишганлиги, яъни Квинке шиши).

- *Меъда-ичак йўллари томонидан бузилишилар*

меъда билан муаммолар, кўнгил айниши ва қусиш.

Ножўя таъсирлар ҳақида хабар бериб, сиз мазкур дори препаратининг хавфсизлиги ҳақида кўпроқ маълумотларни тақдим этишда ёрдам беришингиз мумкин.

Қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар

Препарат компонентларига, ҳамда первоцет оиласига ва ламиумлилар оиласига мансуб гиёҳларнинг фаол моддаларини сақловчи препаратларига нисбатан юқори сезувчанлик; гастрит ёки меъда ярасида қўллаш мумкин эмас.

Дориларнинг ўзаро таъсири

«Гербион® сироп первоцвета» препаратини йўталга қарши препаратлар ва балғам ҳосил бўлишини камайтирувчи дори воситалари билан бир вақтда қўллаш ярамайди, чунки бу суюлтирилган балғамнинг қўчишини қийинлаштиради.

Махсус кўрсатмалар

«Гербион® сироп первоцвета» ўз таркибида сахарозани сақлайди ва шунинг учун қандли диабетдан аъзият чекуввчи одамларга тавсия этилмаган.

Нафас сикиши, иситмали қалтироқ ёки йирингли балғам пайдо бўлишида шифокорга ёки фармацевтга маслаҳатга мурожаат қилиш керак.

Ёрдамчи моддалар ҳақида маҳсус маълумот

«Гербион® сироп первоцвета» препарати таркибига метилпарагидроксибензоат киради, шунинг учун бир қатор ҳолатларда аллергик (шу жумладан кечиккан) реакцияларнинг ривожланишининг эҳтимоли бор.

«Гербион® сироп первоцвета» препарати таркибига сахароза киради, шунинг учун у сахарараза/изомальтаза танқислиги, фруктоза кўтараолмаслиги, глюкоза-галактоз мальабсорбцияси бўлган пациентларда қўллаш мумкин эмас.

Сиропнинг 1 дозаловчи қошиқчасида (5 мл) 3,16 г сахароза сақланади. Йўриқномада кўрсатилган препаратни қўлланилишига доир тавсияларга риоя қилишда, пациент бир қабул қилишда 1,58 г.дан ($\frac{1}{2}$ дозаловчи қошиқча - 2,5 мл, бу 0,158 нон бирлигига мувофиқ келади) 9,48 г.гача (Зта дозаловчи қошиқча - 15 мл, бу 0,948 нон бирлигига мувофиқ келади) сахарозани қабул қилади.

Ҳомиладорлик ва лактация даврида қўлланилиши

Сиропни ҳомиладорлик вақтида ва эмизиш даврида қўллаш ярамайди, чунки ҳомиладорлик вақтида ва эмизиш вақтида қўллаш хавфсизлиги бўйича маълумотлар чеклангандир.

Автомобилни ва мураккаб механизмларни бошқариши қобилиятига таъсири

Препаратнинг транспорт воситаларини бошқариш ва механизмлар билан ишлаш қобилиятига таъсири кузатилмаган.

Дозани ошириб юборилиши

Ҳозирги вақтгача препаратнинг дозасини ошириб юборилиши ҳолатлари ҳақида хабарлар қайд этилмаган.

Сапонин сақловчи препаратларнинг дозасини ошириб юбориш ҳолатида кўнгил айниши, қусищ, диарея билан намоён бўлувчи меъда-ичак бузилишларининг пайдо бўлиш эҳтимоли бор.

Даволаш: симптоматик ўтказилади.

Чиқарилиш шакли

150 мл сиропдан суюқликни бўлувчи пластмасса тиқин ва биринчи очишни назорат қилишли пластик қопқоқ билан ёпилган тўқ шишадан флаконда.

1 флакондан тиббиётда кўлланилишига доир йўриқнома билан биргаликда пластик ўлчов қошиқчаси билан картон пачкага жойлаштирилади.

Сақлаш шароити

Флакон очилгунига қадар:

25°C дан юқори бўлмаган ҳароратда сақлансин. Советгичда сақланмасин.

Флакон очилгандан кейин:

25°C дан юқори бўлмаган ҳароратда сақлансин. Советгичда сақланмасин.

Болалар ололмайдиган жойда сақлансин.

Яроқлилик муддати

3 йил.

Яроқлилик муддати ўтгандан сўнг қўлланилмасин.

Сиропни флакон очилгандан кейин 3-ойлик муддатда қўллаш керак.

Дорихоналардан бериш тартиби

Рецептсиз.

Ишлаб чиқарувчи

КРКА, д.д., Ново место, Шмаръешка цеста 6, 8501 Ново место

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида дори воситасини сифати бўйича эътиrozлар (таклифлар)ни қабул қиласиган ташкилотнинг номи ва манзили:

Ўзбекистон Республикасида «КРКА, д.д., Ново место» Ваколатхонаси

100015, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., Афросиёб кўч., 14

Тел.: +99878 150 2828, +99878 150 2929, телефон: +99878 150 1044